

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮЛБАРИСОВ АБДУРАСУЛ АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**УЙҚУ ВА КОРОНАР ҚОН ТОМИРЛАРИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТИДА
ЭРТА ТАШХИСЛАШНИ ВА ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак - қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Юлбарисов Абдурасул Абдужалилович

Уйқу ва коронар қон томирлари қўшма жарохатида эрта
ташхислашни ва жаррохлик даволашни такомиллаштириш 3

Юлбарисов Абдурасул Абдужалилович

Совершенствование ранней диагностики и хирургического лечения
сочетанного атеросклероза сонных и коронарных артерий 27

Yulbarisov Abdurasul Abdujalilovich

Improvement of early diagnosis and surgical treatment of combined
atherosclerotic lesions of the carotid and coronary arteries 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮЛБАРИСОВ АБДУРАСУЛ АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**УЙҚУ ВА КОРОНАР ҚОН ТОМИРЛАРИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТИДА
ЭРТА ТАШХИСЛАШНИ ВА ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак - қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.DSc/Tib.249 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Шавкат Ибрагимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Акчурин Ренат Сулейманович

тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Муминов Шухрат Маннапович

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

«А.В. Вишневский номидаги хирургия миллий тиббий текшириш маркази» Федерал Давлат бюджет ташкилоти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (77-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунга келиб атеросклероз замонавий тиббиётнинг кенг қамровли муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланиб, у барча касалликлар ва ўлим сабаблари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, “2018 йилда дунёда юрак - қон томир касалликларидан 17,7 миллион киши вафот этган, улардан 7,4 миллиони юрак ишемик касаллиги ва 6,6 миллиони инсультдан нобуд бўлган”¹. Юрак - қон томир касалликлари (ЮҚТК) бўйича Европа статистикаси шундай маълумотларни келтирадики, 2016 йилда Европада юрак - қон томир тизими касалликлари (ЮҚТТ) 3,9 миллион киши ёки барча ўлимларнинг 45% дан ортиғига асосий сабаб бўлди. Статистик маълумотларга мос ҳолда, “Ўзбекистонда ҳар йили 66 мингга яқин инсульт ҳолати қайд этилади, бу 100 000 ахоли учун 178,1ни ташкил этади. Бунда ишемик ва геморагик инсульт нисбати 4,8:1 ни ташкил этади, ногиронлик эса 83,8% дан ортади”². Турли қон томир ҳавзаларининг мультифокал атеросклеротик зарарланиш ташхисини такомиллаштириш, атеросклерозни даволашга янгича ёндашувларни мазкур ҳасталик тўғрисидаги стандарт тасаввурларни ўзгартиради. Ҳозирги кунгача дунёда коронар (КА) ва уйқу артериялари (УА) атеросклеротик патологиясининг бирга келиши билан беморларни даволаш тактикаси бўйича баҳс-мунозаралар тўхтагани йўқ, бундай беморларни даволашга бўлган ягона ёндашув мавжуд эмас, булар нафақат клиниканинг тажрибаси билан, балки муассасанинг таъминланганлиги ва жиҳозланиши билан боғлиқдир. Шу билан боғлиқ ҳолда уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши билан беморларни даволаш натижаларини яхшилашга йўналтирилган жарроҳлик амалиётларини тактик-техник жиҳатлари ҳамда эрта ташхислашни келгусида такомиллаштириш ўзига хос долзарблик касб этади. Дунё амалиётида уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланишининг ривожланиш патогенезини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, турли қон томир ҳавзаларида атеросклеротик жараёнлар юзага келиш сонига гиперлипидемиянинг таъсири ўрганилмоқда.

Уйқу артериясининг атеросклеротик ўзгаришларида бош мия қон айланишини ўткир бузилишларининг юзага келишини ўрганишга қаратилган нафақат гемодинамиканинг бузилишига олиб келувчи, балки пиллакчага ўткир қон қуйилиши, парчаланувчи пиллакча материалларининг қон томир-бўлимларини янада қуйи қисмида жойлашган қисм эмболизацияси жараёнларини морфологик тадқиқотлари долзарб бўлиб қолмоқда. Шулар қаторида олинган маълумотларни клиник аҳамиятини таъкидловчи, асоратларни келгусида шаклланиш эҳтимоллигини башорат қилиш учун

¹ World Health Organization. Technical package for cardiovascular disease management in primary health care. WHO, 2016 Edition. https://www.who.int/cardiovascular_diseases/publications/en.

² Гафуров Б.Г. Распространенность мозгового инсульта в Узбекистане по данным госпитального регистра // Материалы республиканской научной конференции. – Ташкент, 2014 – С. 45.

кўлланиши мумкин бўлган оралик босқичда ривожланиши кузатилган уйқу ва коронар қон томирлар атеросклеротик пиллакчаларининг морфологик ўзига хосликларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар ҳам давом этмоқда.

Миллий соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий босқичида мультифокал атеросклерозли беморларини жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, бирга келувчи атеросклерозли беморларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси ва ташхис сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бир вақтда, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун эрта ташхислаш ҳамда даволашнинг жарроҳлик тактикаси ишлаб чиқилган янги усулларини самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилади. Ўзбекистон Республикасини «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, УА ва КА қўшма атеросклеротик жароҳатланиши билан беморларни даволаш натижаларини яхшилашни жарроҳлик усули билан даволаш тактикасини оптималлаштириш ва эрта ташхислаш йўли билан такомиллаштириш энг долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон “Шошилиш тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”га, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон “Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва жамоат саломатлиги илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

² Обзор международных научных исследований проведен с использованием следующих источников: Ziada K.M., Yadav J.S., Mukherjee D. et al. Comparison of results of carotid stenting followed by open heart surgery versus combined carotid endarterectomy and open heart surgery (coronary bypass with or without another procedure) // Am. J. Cardiol. – 2005 – Vol. 96 – P. 519-523; Timaran C. H., Rosero E. B., Smith S. T., et al. Trends and outcomes of concurrent carotid revascularization and coronary bypass // J. Vasc. Surg. – 2008 – Vol. 48 – P.

беморларни жарроҳлик усули билан даволаш тактикаси натижалари ва ташхисини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари томонидан олиб борилган, жумладан, Department of Vascular Surgery, Leicester Royal Infirmary (Leicester, United Kingdom); Department of Vascular Surgery, St Thomas' Hospital, Westminster Bridge Road (London, United Kingdom); West China Hospital of Sichuan University (Chengdu, China); Department of Cardiology, University of Tor Vergata (Rome, Italy); Department of Cardiology, Motol University Hospital, 2nd Medical School, Charles University (Prague, Czech Republic); Department of Vascular Surgery, Royal Perth Hospital (Western Australia, Australia); Department of Surgery, Western Sydney University School of Medicine (Sydney, Australia); Mayo Clinic (Rochester, USA); Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine (Seoul, Korea); Centre Hospitalier Universitaire Sainte-Justine (Montreal, Canada); А.В. Вишневский номидаги Миллий жарроҳлик тиббий тадқиқот маркази (Москва, Россия), академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий маркази (Тошкент, Ўзбекистон), Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази (Тошкент, Ўзбекистон).

Уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши билан беморларни ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра турли хил ечимлар таклиф этилган, жумладан: “гибрид визуализация” (МСКТ ва ПЭТ; МСКТ ва бир фотонли эмиссион компьютер томографияси) битта сессияда икки турдаги визуализацияни бажаришга имкон бериши, бунда ишемиянинг визуализацияси яққол намоён бўлган ЮИК ўртача эҳтимоллиги бўлган беморлари учун кўп даражада хослиги аниқланган (Department of Vascular Surgery, Leicester Royal Infirmary, Leicester, United Kingdom); кўп марказли рандомизирланган клиник тадқиқотлар натижасида каротид стентлаш натижалари каротид эндартерэктомия натижалари билан таққосланиши мумкинлиги исботланган (Department of Cardiology, Motol University Hospital, 2nd Medical School, Charles University, Prague, Czech Republic); аортакоронар шунтлашни бошидан ўтказган беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги инсульт (АҚШ) предиктори бўлиб, сурункали буйрак етишмовчилиги, яқинда бошдан ўтказилган ўткир миокард инфаркти (ЎМИ), бемор ёшининг 75 дан юқори бўлиши, чап қоринча дисфункцияси ва бўлмача фибрилляциясининг ўртача оғирлик даражада бўлиши аниқланган (Department of Vascular Surgery, Royal Perth Hospital, Wellington Street, Perth, Western Australia, Australia); уйқу ва коронар қон

355-360; Steen Dalby Kristensen, Juhani Knuuti, Antti Saraste, Et Al. ESC/ESA Guidelines On Non-Cardiac Surgery: Cardiovascular Assessment And Management // European heart journal – 2014 – Vol. 35 – P. 2383-2431; Veith F.J., Bell P.R. How many of you can read but still not see? A comment on a recent review of carotid guidelines // Eur. J. Vasc. Endovasc. Surg. – 2016 – P. 51; Koers L, Schlack WS, Hollmann MW, de Hert S, Preckel B. European implementation of the "2014 ESC/ESA guideline on non-cardiac surgery: cardiovascular assessment and management". // Minerva Anesthesiol. 2017 May;83(5):457-464; Golubovic M, Stanojevic D, Lazarevic M, Peric V, Kostic T, Djordjevic M, Zivic S, Milic DJ. A Risk Stratification Model for Cardiovascular Complications during the 3-Month Period after Major Elective Vascular Surgery. // Biomed Res Int. 2018 Sep 9;2018:4381527.

томирлари қўшма зарарланишини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасига оид масалалар долзарб бўлиб, уларни тактикаси, босқичлилиги ва амалиёт хажми бўйича аниқ тавсиялар мавжуд эмаслиги, бу эса келгусида ушбу муаммони жиддий ўрганишни талаб этиши, бунда ҳар бир ҳолатда ёндашув индивидуал бўлиши ва шикастланиш ҳажмига, шунингдек ҳар бир клиника шароитидаги аниқ тажриба ҳолатига асосланиши кераклиги аниқланган (Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine, Seoul, Korea).

Ҳозирги кунда дунёда уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик жароҳатини жарроҳлик усули билан даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Мазкур тоифага мансуб беморлар сонининг узлуксиз ортиб бориши, даволаш тактикасига оид масалаларга ёндашувнинг бир ҳил эмаслиги ва даволаш натижаларининг қониқарсиз эканлиги мазкур патологиянинг келгусидаги клиник тадқиқотлар ўтказиш заруратини белгилаб беради. Яна бир аҳамиятли вазият шундан иборатки, турли муаллифлар томонидан тақдим этилган маълумотлар иқлими, экологияси, ҳаёт тарзи, менталитети бўйича бир-биридан фарқ қилувчи дунёнинг турли минтақаларида истиқомат қилувчи беморларни даволашга асосланади. Замоनावий ташхис усулларини, жарроҳликдаги янги эндоваскуляр технологияларнинг пайдо бўлиши, каротид ва коронар патологиялар тўғрисидаги замоनावий тасаввурлар мультифокал атеросклерозни ангиохирургиянинг замоनावий даражасини янги ҳолатда даволаш муаммосини ўрганишга имкон беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёда ривожланишининг асосида турли қон томирларнинг атеросклеротик зарарланиши ётувчи касалликлар сони тўхтовсиз ортиб бормоқда. American Heart Association (AHA) маълумотларига кўра, “экспертларнинг баҳолашига кўра, 2018 йилда америкалик катта ёшли фуқаролардан 85,6 млн. кишида юрак - қон томир касалликларининг биттадан ортиқ тури аниқланади. Юрак - қон томир касаллигининг асосий ўлимга сабаб бўлувчи ҳолати барча ўлим сабабларини 30,8% (800 937) ҳолатини ёки Америка Қўшма Штатларидаги 3 ўлимдан бирини ташкил этди. Ўртача олганда, тахминан 2200 америкаликлар юрак - қон томир касалликларидан вафот этади ва ҳар 40 секундда ўртача битта ўлим ҳолати қайд этилади” (Herr JE¹). Iqqsusi M² фикрига кўра, “уйқу ва коронар қон томирлари қўшма жароҳатини жарроҳлик йўли билан даволашга бағишланган кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан, бир қатор масалалар ҳали ҳам очиқ қолмоқда, жумладан, ҳозирги кунгача популяцияларда уйқу ва коронар қон томирлари қўшма жароҳатини жарроҳлик усулида даволашга турли ёндашувларни баҳолаш учун қандайдир йирик кенг қамровли тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас”. Шунингдек, бир вақтдаги

¹ Herr JE, Héту MF, Li TY, Ewart P, Johri AM. Presence of Calcium-Like Tissue Composition in Carotid Plaque is Indicative of Significant Coronary Artery Disease in High-Risk Patients. // J Am Soc Echocardiogr. 2019 Feb 27. pii: S0894-7317(19)30001-X.

² Iqqsusi M, Vannucchi A, Beckers J, Kasseckert S, Waldhans S, Vogt S, Moosdorf RGH. Early Results of Surgical Simultaneous Therapy for Significant Carotid Artery Stenosis and Heart Disease. // Thorac Cardiovasc Surg. 2018 Apr;66(3):261-265.

ва босқичли жарроҳлик амалиётларида ундан кейинги асроратлар тавсифи ва сони, жарроҳлик усулида даволашнинг яқин ва узоқ натижаларига таъсир этувчи ҳавф омиллари етарлича ўрганилмаган.

Дунё клиникаларининг тажрибалари ва турли муаллифлар берган маълумотларини ўрганиб, шу нарса қайд этилдики, “уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланишини жарроҳлик усулида даволашга бўлган барча ёндашувларнинг асосий принципи бўлиб, яхши клиник натижалар, айнан амалиёт пайтидаги асроратларини ва ўлим кўрсаткичларининг паст фоизларда бўлиши, шунингдек жарроҳлик амалиётидан кейин дархол юзага келадиган натижалар ҳисобланади” (Valaikiene J¹). Ҳозирги кунга келиб, кардиоанестезиология ва перфузиологиянинг ривожланиши, дунёда жарроҳлик амалиётини бажариш техникасининг такомиллашуви жарроҳлик амалиётидан кейинги оғир неврологик ёки кардиологик асроратлар миқдорини сезиларли пасайишига имкон берган. Демак, 1,2-6,0% беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта даврда аортокоронар шунтлашдан сўнг ногиронликка олиб келувчи ва клиник ҳамда ижтимоий прогнозни сезиларли ёмонлашишига олиб келувчи ўчоқли неврологик бузилишларни юзага келтиради. Шу билан бир вақтда, Volkers EJ² берган маълумотларга кўра, “коронар қон томирларининг верификацияланган шикастланиш фонида каротид эндартерэктомия жарроҳлик амалиётини бажаришда ўлим даражаси ва миокард инфаркти сони, мос равишда, 2% дан 12% гача етади”. Шу билан боғлиқ ҳолда, “ҳозирги кунгача уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши беморларини даволаш тактикаси бўйича: жарроҳлик амалиётини бир вақтнинг ўзида ўтказиш керакми ёки икки босқичда олиб бориш зарурми, агар икки босқичда ўтказилса, каротид эндоартерэктомияни (КЭАЭ) ва АКШ ни қандай навбатда бажариш тўғрисидаги баҳс якунига етгани йўқ” (Sahadevan M³).

Адабиётлардаги маълумотларининг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатдики, уйқу ва коронар қон томирлари қўшма зарарланишини ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволаш сифати сезиларли даражада яхшиланган, бироқ, уйқу қон томири қайта тикланишининг янги усулларини жорий этиш, турли артериал хавзаларда қўшма патологияда ташхислаш тактикасининг стандарт баённомасини ишлаб чиқиш, шунингдек жарроҳлик амалиётидан кейинги асроратлар профилактикаси бўйича даволаш чоратadbирларини оптималлаштириш даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам беради. Ҳозирги даврга келиб, уйқу ва коронар қон томирлари қўшма

¹ Valaikiene J, Ryliskyte L, Valaika A, Puronaite R, Dementaviciene J, Vaitkevicius A, Badariene J, Butkuvieni I, Kalinauskas G, Laucevicius A. A High Prevalence of Intracranial Stenosis in Patients with Coronary Artery Disease and the Diagnostic Value of Transcranial Duplex Sonography. // J Stroke Cerebrovasc Dis. 2019 Apr;28(4):1015-1021.

² Volkers EJ, Algra A, Kappelle LJ, Becquemin JP, de Borst GJ, Brown MM, Bulbulia R, Calvet D, Eckstein HH, Fraedrich G, Gregson J, Halliday A, Hendrikse J, Howard G, Jansen O, Roubin GS, Bonati LH, Brott TG, Mas JL, Ringleb PA, Greving JP; Carotid Stenosis Trialists' Collaboration. Safety of Carotid Revascularization in Patients With a History of Coronary Heart Disease. // Stroke. 2019 Feb;50(2):413-418.

³ Sahadevan M, Chee KH, Tai MS. Prevalence of extracranial carotid atherosclerosis in the patients with coronary artery disease in a tertiary hospital in Malaysia. // Medicine (Baltimore). 2019 Apr;98(15):e15082.

зараланишини жарроҳлик усулида даволаш тактикасига оид масалалар замонавий қон томир жарроҳлигида охиригача хал этилмаган ва долзарб бўлиб ҳисобланади ҳамда келгусида янада чуқурроқ ўрганишни ва асосланган тавсияларни жорий этишни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режаларининг 01070069-сонли “Инсонларнинг жарроҳлик касалликларини даволаш ва ташхислашни патогенетик асосланган усуллари ишлаб чиқиш” мавзусидаги (2012-2014йй.) илмий тадқиқот иши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жарроҳлик амалиёти ҳажми ва босқичлилиги киритилган ҳолда жарроҳлик усулида даволаш тактикасини оптималлаштириш ва эрта ташхислашни такомиллаштириш йўли билан уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик жароҳатини жарроҳлик усули билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бизнинг минтақамиз шароитида ультратовушли ташхис усулида уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланишининг учраш сонини аниқлаш;

биринчи бўғин шифокорлари учун уйқу артерияси ва юракни ультратовушли текширишни ўтказиш учун кўрсатмаларни аниқлашга имкон берувчи услубий ёндашув ишлаб чиқиш;

жарроҳлик тактикасига боғлиқ ҳолда уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарлантиши билан беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда ўлим ва ногиронлик, асоратлар сонини пасайтиришга имкон берувчи алгоритм ишлаб чиқиш;

оғирлашган анамнезли ва уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши билан беморларни жарроҳлик усулида даволашда маҳаллий оғриқсизлантиришни қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

ишлаб чиқилган алгоритм асосида уйқу ва коронар қон томирлари қўшма жароҳати бўлган беморларни даволашни гемодинамик ва клиник самарадорлиги баҳолаш ва шу каби беморларни даволаш бўйича аниқ тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2009-2017 йиллар даврида Республика ихтисослаштирилган ангионеврология жарроҳлик марказида ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникасида даволанган уйқу ва коронар қон томирлари қўшма жароҳати билан 621 нафар бемор хизмат қилган.

Тадқиқот предмети ишлаб чиқилган ташхис алгоритмини ва даволашни қўллаш билан уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланишни жарроҳлик усулида даволаш тактикаси самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: умумий клиник (лаборатор, биокимёвий), асбоб–ускуналардан фойдаланиш (ультратовуш, доплерография), нурли текшириш (МСКТ ва МРТ), ангиографик, махсус усуллар (интеграл тизимлар) ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

махсус клиник, гемодинамик, ангиосемиотик бузилишлар билан верификацияланган каротид ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланишининг клиник-патогенетик жиҳатлари очиқ берилган;

уйқу ва коронар қон томирлар қўшма атеросклеротик зарарланиши билан беморларни жарроҳлик усулида даволаш тактикасини оптималлаштириш ва ташхислаш натижалари интеграл баҳоланган;

касалликнинг эрта босқичларида уйқу ва коронар қон томирлари қўшма зарарланишини верификациялаш учун скрининг дуплекс тадқиқотлари сонографик мезонлари аниқлаштирилган;

оғирлашган анамнезли беморларда неврологик ва кардиологик статусни адекват мониторинги учун уйқу ва коронар қон томирлари қўшма зараланишида маҳаллий оғриқсизлантиришни қўллашнинг имкониятлари исботланган;

оғир ёндош касалликлар ва каротид ҳамда коронар қон оқимлари қўшма шикастланишида босқичли реконструктив жарроҳлик амалиётларини танлаб олишнинг клиник-диагностик хусусиятлари аниқланган;

брахиоцефал артерияларда дуплекс сканирлашни бажаришга кўрсатмаларни аниқлаш учун «Duplex.exe», эхокардиография ўтказишга кўрсатмаларни аниқлаш учун «EXOKS.exe», уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши билан беморларни даволаш ва текшириш даражасини оширишга қаратилган «ALGO.exe» оригинал электрон-тиббиёт дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида жарроҳлик усулида даволашни талаб этувчи уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши аҳамиятли учраш сони аниқланган;

бирламчи бўғин шароитида қўшма зарарланишли беморларда ўтказилган уйқу артериясини скрининг дуплескли тадқиқ қилиш ва эхокардиоскопия қон томир хавзалари шикастланиш даражасини янада эрта муддатларда аниқлашга, даволаш босқичи ҳамда жарроҳлик аралашуви кўрсатмаларини тўғри баҳолашга имкон бериши исботланган;

маҳаллий оғриқсизлантириш шароитида каротид реконструкцияли, босқичли жарроҳлик амалиётини бажариш учун ишлаб чиқилган алгоритмга риоя қилиш юқори хавфсизлик ва самарадорликни таъминлаши қайд этилган;

жарроҳлик амалиётидан кейинги даврдаги эрта ва узок даврдаги асоратлар ва ўлим сонини сезиларли пасайтиришга имкон берувчи уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик жароҳати бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

жарроҳлик усулида даволаш натижаларини ва беморларнинг мазкур оғир тоифаси ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи коронар ва каротид қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши билан беморларда ташхислаш алгоритмини оптималлаштириш учун электрон дастурлар ишлаб чиқилган;

асосий клиник-лаборатор кўрсаткичлар ва кардиологик ҳамда неврологик статус мониторингини ҳисобга олган ҳолда уйқу ва коронар қон томирлари қўшма зарарланишида реваскулиризация босқичининг юқори натижавийлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларини, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини, услубий ёндашувни тўғри қўллаш ва статистик таҳлил тўпларини қўллаш йўли билан асосланган. Тадқиқотлар етарли миқдордаги клиник материаллар асосида олиб борилган. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш натижаларининг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, олинган хулосалар ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, улар уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши билан беморларни жарроҳлик усулида даволаш тактикасини оптималлаштириш ва ташхислашни клиник, гемодинамик, ангиосемиотик натижаларини интеграл баҳолашда ўзининг сезиларли хиссасини қўшади. Ўзбекистон Республикасида жарроҳлик амалиётини талаб этувчи уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиш аҳамиятли учраш сони аниқланган. Артериал хавзалар қўшма жароҳатланиши бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш тажрибаси таҳлил қилинди, шунингдек УА ва КА ни босқичли реваскулиризациясини янада юқори натижавийлигини кўрсатувчи лаборатор кўрсаткичлар, клиник маълумотларни ҳисобга олган ҳолда мазкур жарроҳлик амалиёти самарадорлигининг таҳлили берилган. Оғир ёндош касалликларда каротид ва коронар қон томирлари зарарланишида босқичли коррекция самарадорлиги кўрсатилган ва унинг афзалликлари асослаб берилган. Илмий тадқиқот натижалари бир неча артериал хавзалар атеросклеротик зарарланишининг бирга келиши кузатилган беморларни ташхислаш ва даволаш бўйича клиник ординаторлар ва магистрларни тайёрлаш дастур структураси ва мазмунини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий иш таркибидаги асосий хулоса ва тавсиялар ихтисослаштирилган тиббий муассасаларда мультифокал атеросклероз билан беморларни ташхислаш ва даволашда қўлланилиши мумкин. Уйқу ва коронар қон томирлари қўшма зарарланиши билан беморларни ташхислаш ва даволаш учун ишлаб чиқилган алгоритмни қўллаш даволаш тактикасини аниқ белгилашга, хафақон касаллиги билан боғлиқ бўлган асоратлар, ИИ, ИМ сонини пасайиштиришга ва, энг муҳими, жарроҳлик амалиётидан кейинги ўлим кўрсаткичларини

пасайиштиришга имкон берган. Касалликнинг эрта босқичларида УА ва КА ни қўшма шикастланишини ташхислашга имкон берувчи ва ташхислашда ультратовушли усулларни бажаришга кўрсатмаларни аниқлаштириш ҳамда аниқлаштиришда бирламчи бўғин шифокорлари учун оригинал услубий ёндашув яратилган ва асослаб берилган. КА нинг исботланган зарарланишида УА нинг биринчи босқичида таклиф этилган реконструкция тактикаси УА томонидан асоратлар сонини пасайтиришга, шунингдек КА реконструкциясида ИИ ҳавфини пасайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уйқу ва коронар қон томирлари қўшма зарарланишини жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқот натижаларига кўра:

“Ишемик генезли сурункали томир-бош мия етишмовчилиги бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 8н-з/60-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиянома уйқу ва коронар қон томирлари қўшма зарарланиши билан беморларни жарроҳлик усулида даволаш тактикаси самарадорлиги ва эрта ташхислашни яхшилашга имкон берган.

“Коронар оқим қўшма шикастланишида ишемик генезли сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилиги бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 8н-з/60-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиянома уйқу ва коронар қон томирлари қўшма зарарланиши билан беморларни жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар сонини пасайтиришга имкон берган;

уйқу ва коронар қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши билан беморларни жарроҳлик усулида даволаш тактикасини оптималлаштириш ва эрта ташхислашни такомиллаштиришга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Тошкент тиббиёт академиясининг 1- ва 2-клиникалари, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалида амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги 8н-з/60-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Тадқиқотда уйқу ва коронар қон томирлари қўшма зарарланган беморларни ташхислаш ва даволаш учун ишлаб чиқилган алгоритмини қўллаш асоратларни жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта босқичда 4,2%дан 1,05%гача қисқартириш, узок даврда эса асоратлар сонини 10,3%дан 8,3%гача қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 6 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 11 та мақола, улардан 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон

Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослигини, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Уйқу ва тож қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланишларининг эпидемиологияси, этиопатогенези, ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволаш”** деб номланган биринчи бобида, учта кичик бўлимдан ташкил топган адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, мазкур боб эпидемиологик маълумотларга, шунингдек уйқу ва тож томирлари қўшма атеросклеротик зараланишидаги ташхислашнинг ўзига хосликларига бағишлангандир. Бундан ташқари, уйқу ва тож томирлари қўшма атеросклеротик зараланишида жарроҳлик усули билан даволашга замонавий қарашларга оид маълумотлар берилган. Уйқу ва тож томирлари қўшма зараланишли беморларидаги даволаш тактикасини танлаб олишдаги тенденциялар келтирилган. Уйқу ва тож томирларини даволашнинг очик ва эндоваскуляр усулларининг қиёсий тавсифи келтирилган. Келажакда ўрганилиши ва ишлаб чиқилиши зарур бўлган мунозарали ва хал этилмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Материалларнинг клиник тавсифи ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, 2009 йилдан 2017 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган ангионеврология жарроҳлик маркази ва Тошкент тиббиёт академиясининг 2 клиникасида текширишдан ўтган 15 000 беморни ультратовушли текширув натижалари мукамал ўрганилган. Ультратовушли текшириш усуллари уйқу артериясини дуплексли сканирлаш (ДС) ва эхокардиоскопияни (ЭХОКС) ўз ичига олган. Ишлаб чиқилган сўровнома натижалари ўрганилган, бу эса 1500 беморда қўлланилган. Жарроҳлик усули талаб этиладиган 621 нафар тож ва уйқу қон томирларининг қўшма зарарланиши бўлган беморлар кейинги текшириш ва даволаш учун танлаб олинган. Сўнгра босқичли эндоваскуляр ва очик жарроҳлик амалиёти ўтказилган уйқу ва тож қон томирлари қўшма атеросклеротик зарарланиши бўлган 621 беморга тавсифнома берилган. Барча беморлар икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳни (қиёсий гуруҳ) 2009-2015 йилларда ташхислаш ва даволашнинг анъанавий алгоритмига мос ҳолда даволаш курсини қабул қилган, уйқу ва тож томирларда босқичли

реконструктив жарроҳлик амалиёти бажарилган 300 нафар бемор ташкил этган.

Иккинчи (асосий гуруҳ) ни 2015-2017 йилларда ТТА нинг 2-клиникасида такомиллаштирилган алгоритм асосида уйқу ва тож томирларида реконструктив жарроҳлик амалиёти бажарилган 321 нафар бемор ташкил этган.

Беморларнинг ўртача ёши $58,9 \pm 6,3$ ёшни ташкил этган, бунда уларнинг аксарият қисми 45 ёшдан 75 ёшгача бўлган. Беморларни ташхислаш ангиографик, МСКТА, МРТ, уйқу томирларини ультратовушли текшириш, лаборатор усулларни ёрдамида комплекс текшириш асосида амалга оширилган. Сурункали бош мия қон айланиш етишмовчилиги (СБМҚАЕ) босқичлари бўйича беморларни тақсимлаш 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

СБМҚАЕ босқичлари бўйича беморлар тақсимоги

СБМҚАЕ босқичлари	Беморлар сони				χ^2	P
	Асосий n=321		Қиёсий n=300			
	абс	%	абс	%		
Белгиларсиз кечиши	4	1,2	27	9,0	18,94	<0,001
Транзитор ишемик хуруж	34	10,7	15	5,0	7,22	<0,05
Дисциркулятор энцефалопатия	154	48,0	126	42,0	1,24	>0,05
Ишемик инсульт оқибатлари	129	40,1	132	44,0	0,44	>0,05

Диссертациянинг “Уйқу ва тож қон томирлар қўшма атеросклеротик зарарланишини ташхислаш ва даволаш натижаларининг таҳлили” деб номланган учинчи бобида, назорат гуруҳи беморларини анъанавий алгоритмга мос равишда ташхислаш ва даволаш натижалари баён этилган. Назорат гуруҳига 2009-2015 йиллар давомида жарроҳлик усулида даволанган 300 нафар беморлар киритилган. Назорат гуруҳ беморларини даволашда жарроҳлик усулини танлаш бошқа артериал ҳавзалар ҳолати объектив баҳоланмаган ҳолда, фақат артериал ҳавзалар зарарланишининг клиник кўринишига боғлиқ бўлган. Дастлабки босқич амалиёт клиник кўриниши ифодаланган артериал ҳавзада амалга оширилган. Бу беморлар гуруҳига бошқа республикаларда ва республикамизнинг турли тиббий муассасаларида биринчи босқичда тож томирларни стентлаш ва аорта коронар шунтлаш амалиётлари бажарилган беморлар киритилган. Каротид эндартерэктомия ТТА сининг 2-клиникасида бажарилди. Беморларни назорат гуруҳига киритиш мезони бўлиб, УА сининг тож қон томирлар билан қўшма атеросклеротик зарарланиши ҳисобланган.

Натижаларини баҳолаш мақсадида, беморлар босқичлар бўйича шартли равишда 4 та кичик гуруҳга бўлинган:

1. Биринчи босқич-КС, Иккинчи босқич-КЭАЭ, n=44;
2. Биринчи босқич-АКШ, Иккинчи босқич-КЭАЭ, n=46;
3. Биринчи босқич-КЭАЭ, Иккинчи босқич-КС, n=38;
4. Биринчи босқич-КЭАЭ, Иккинчи босқич-АКШ, n=154.

Қиёсий гуруҳдаги барча беморларда амалиётдан олдин ва кейин ТКДС, ДС натижалари ўрганилган. 1-2 гуруҳ беморларда бўйин ва Виллизиев халқаси томирларининг МСКТА текшируви бажарилган, уларда коронография ўтказилмади, чунки ушбу беморлар тож томирлар реваскуляризациядан сўнг шифохонага келиб тушганлар. 3-4 кичик гуруҳдаги беморларда тож томирлар ангиографияси бажарилди. Клиникамизда даволанган 192 нафар беморда тож ва уйқу томирлари ангиографияси бажарилган. Коронографияда: ЧТА-45 (23,5%), ЎТА-132 (68,5%), АТ -148 (77%) ва ДТ-112 (58%) стенози аниқланди.

Барча беморларда амалиётдан олдин антикоагулянтли, дезагрегат ва кардиотроп ва статинларни ўз ичига олган, юрак ва бошқа аъзолар фаолиятининг бузилишини мўътадиллаштириш, бош мия қон айланишини яхшилашга йўналтирилган амалиётга тайёрлаш чора тадбирлари ўтказилган.

Барча амалиётлар умумий оғриқсизлантириш остида ўтказилган. Қиёсий гуруҳдаги барча 4 кичик гуруҳ беморларида каротид реконструкциядан олдин ва кейин тож томирлар реконструкциясининг ҳар хил турлари амалга оширилган.

Оғриқсизлантириш тури бўйича, назорат гуруҳидаги барча беморларда амалиётлар умумий оғриқсизлантириш усули билан амалга оширилган, бунда бир қатор камчиликлар аниқланган:

- Неврологик ҳолатни динамик назорати мавжуд эмаслиги.

- Вақтинчалик артерия ичи шунтини (ВАИШ) ўрнатишга кўрсатмаларни жарроҳлик вақтида аниқлаш имконияти мавжуд эмаслиги.

Назорат гуруҳида -127 (42,3%) ҳолатда каротид эндартерэктомия ВАИШ ни қўллаш усули билан бажарилган. Қолган ҳолатларда реконструкция ВАИШ қўлланмасдан амалга оширилган.

ТТ да амалиётнинг очик ёки ёпиқ турини бажариш масаласи **Syntax score** шкаласи ёрдамида амалга оширилган. Бунда агарда шкала кўрсаткичи ≤ 22 балл бўлса, у ҳолда эндоваскуляр амалиёт бажарилган, кўрсаткич ≥ 22 бўлса очик амалиётга кўрсатмалар бўлган. Уйқу артериясидаги реконструктив амалиётлар 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Уйқу артериясидаги реконструктив амалиётлар

Жарроҳлик амалиётининг номи	Жарроҳлик амалиётлари сони				
	1-кичик гуруҳ	2-кичик гуруҳ	3-кичик гуруҳ	4-кичик гуруҳ	Жами
	1-босқич -КС 2-босқич- КЭ n=44	1-босқич- АКШ 2-босқич- КЭ n=64	1-босқич-КЭ 2-босқич-КС n=38	1-босқич- КЭ 2-босқич- АКШ n=154	300
КЭАЭ	21	31	21	92	165
Эверсион ЭАЭ	19	26	15	34	94
Ички уйқу артерияси резекцияси ва эски ўзанига қайтаўрнатиш	4	7	2	28	41
Жами	44	64	38	154	300

Уйқу ва тож қон томирлари қўшма зарарланишли беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижалари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: клиник самарадорлик, гемодинамик самарадорлик, даволаш самарадорлиги (когнитив фаолият динамикаси), неврологик асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари. Миокард реваскуляризацияси 3- жадвалда тақдим этилади.

3-жадвал

Миокард реваскуляризацияси

Жарроҳлик амалиётининг номи	Жарроҳлик амалиётлар миқдори			
	1-кичик гуруҳ	2-кичик гуруҳ	3-кичик гуруҳ	4-кичик гуруҳ
	1-босқич – КС 2-босқич – КЭ n=44	1-босқич – АКШ 2-босқич – КЭ n=64	1-босқич – КЭ 2-босқич – КС n=38	1-босқич – КЭ 2-босқич – АКШ – 92 n=154
ЧТА стенти	3	0	1	0
ЎТА стенти	17	0	29	0
АТ стенти	6	0	4	0
ДТ стенти	4	0	3	0
ҚОТ стенти	41	0	21	0
Жами	71	0	58	0
ЎТА шунти	0	6	0	81
ЧТА шунти	0	5	0	18
ҚОТ шунти	0	32	0	90
ДТ шунти	0	2	0	26
АТ шунти	0	8	0	48
Маммар-коронар графти	0	21	0	89
Жами	0	74	0	352

Амалиётнинг клиник самарадорлиги умумий қабул қилинган мезонлар бўйича баҳоланди (бемор ахволининг яхшиланиши, самарасиз ва ёмонлашиш). Беморларнинг неврологик ҳолати Бартелл индекси ёрдамида яқин ва узоқ даврда қиёсий тарзда ўрганилган.

Белгили беморларда когнетив ўзгаришларни баҳолаш учун рухий ҳолатни баҳолашда қўлланиладиган минитест-MMSE –Mini-Mental Scale Examination (Folstein, 1975) дан фойдаланилди. Синама натижалари ҳар бир бўлим бўйича баллар йиғиндисини умумлаштириш йўли билан олинади.

Амалиётдан кейинги яқин (30 кунгача) даврда назорат гуруҳидаги беморларни даволаш натижалари (n=300) 4-жадвалда тақдим этилган.

Назорат гуруҳ беморларининг амалиётдан кейинги яқин муддатлардаги натижалари таҳлили кўрсатадики, ИИ - 6,3% беморларда аниқланган, 2,3% ҳолатларда эса ўлимга сабаб бўлди. 4,3% ҳолатларда ЎМИ кузатилган бўлиб, у 2,6% беморларда ўлимга сабаб бўлди.

Амалиётдан кейинги даврда барча беморларда назорат сифатида ДС, ТКДС бажарилди.

Амалиётдан кейинги узоқ (24 ойгача) даврда назорат гуруҳидаги беморларни даволаш натижалари (n=206) 5-жадвалда тақдим этилган.

4-жадвал

Амалиётдан кейинги яқин даврда назорат гуруҳ беморларини даволаш натижалари

НАТИЖАЛАР	I – гр. (n = 44)		II – гр. (n = 64)		III – гр. (n = 38)		IV – гр. (n = 154)		ЖАМИ	
	тек.	%	тек.	%	тек.	%	тек.	%	тек.	%
Инсульт	3	6,8	5	7,8	3	7,9	8	5,2	19	6,3
Ипсилатерал ишемик инсульт	1	2,3	4	6,2	3	7,9	6	3,9	14	4,6
Контролатерал ишемик инсульт.	2	4,5	1	1,6	-	-	2	1,3	5	1,7
Инсульт + ўлим холати	1	2,6	2	1,3	2	5,2	2	1,3	7	2,3
ЎМИ	3	6,8	3	4,7	2	5,3	5	3,2	13	4,3
ЎМИ + ўлим холати	2	4,5	1	1,6	1	2,6	4	2,6	8	2,6
Томирлар тромбози	1	2,3	-	-	-	-	1	0,6	2	0,7
Амалиётдан кейинги жароҳат гематомаси	1	2,3	1	1,6	-	-	1	0,6	3	1,0
Нервлар шикастланиши	-	-	1	1,6	-	-	1	0,6	2	0,7


5-жадвал

Амалиётдан кейинги узоқ даврда назорат гуруҳ беморларини даволаш натижалари

НАТИЖАЛАР	I – гр. (n = 36)		II – гр. (n = 48)		III – гр. (n = 38)		IV – гр. (n = 84)		ЖАМИ	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Инсульт	2	5,6	2	4,2	2	5,3	4	4,8	10	4,9
Ипсилатерал ишемик инсульт.	2	5,6	1	2,1	-	-	4	4,8	7	3,4
Контролатерал ишемик инсульт.	-	-	1	2,1	2	5,3	-	-	3	1,5
Инсульт + ўлим холати	1	2,8	1	2,1	2	5,3	2	2,4	6	2,9
ЎМИ	1	2,8	4	8,3	2	5,3	2	2,4	9	4,4
ЎМИ + ўлим холати	1	2,8	-	-	2	5,3	1	1,2	4	1,9
Рестеноз	1	2,8	3	6,3	3	7,9	4	4,8	11	5,3

Жарроҳлик усулида даволашнинг клиник самарадорлиги умумий қабул қилинган мезонлар бўйича баҳоланди, яқин ва узоқ даврда аксарият ҳолатларда беморлар ҳолатининг клиник яхшиланиши (86,0% гача) аниқланган бўлса, шунингдек аҳволи ёмонлашган ва ўзгариш кузатилмаган беморлар ҳам аниқланди. Жарроҳлик усулида даволашнинг яқин ва узоқ даврлардаги клиник самарадорлиги 1-расмда тақдим этилган.

Клиник самарадорлик



1-расм Жаррохлик усулида даволашдан сўнг яқин ва узоқ даврлардаги клиник самарадорлиги

Қиёсий гуруҳнинг қониқарсиз даволаш натижаларининг таҳлили. Анъанавий алгоритм бўйича даволашнинг қониқарсиз натижалари таҳлили кўрсатадики, улар қуйидаги сабабларга кўра юзага келган:

1. Беморларни шифохонага мурожаат вақтида ташхислашдаги хатоликларнинг етарли даражада юқори эканлиги, нотўғри даволаш тактикасини танланишига ва бу даволаш натижаларининг ёмонлашишига сабаб бўлади.

2. Беморларни шифохонага дастлабки мурожаат ва якуний даволаш усулларига тайёрлаш босқичларида, уларнинг аҳволини оғирлик даражасини тўлақонли баҳолай олмаслик.

3. Уйқу ва тож томирлари қўшма атеросклеротик зарарланган беморларни жаррохлик усулида даволаш натижаларини оғирлаштирувчи омилларни ва лаборатор-инструментал текшириш усуллари тўлақонли баҳолай олмаслик.

4. Уйқу артерияси реконструкциясидан сўнг ЎМИ ривожланишига олиб келувчи омилларни, шунингдек ўткир миокард ишемияси ривожланишини олдини олишга қаратилган техник усулларни такомиллашмаганлигини тўлақонли баҳолай олмаслик.

5. Умумий интубацион оғриқсизлантириш билан каротид реконструкциясини ўтказиш вақтида нейромониторингни такомиллашмаганлиги.

Ушбу маълумотларни инобатга олган ҳолда, амалиётдан кейинги даврда ИИ ёки ЎМИни юзага келиш хавфини олдини олиш учун уйқу ва тож тизимр

қўшма зараланишлари мавжудлигини юқори аниқликда ташхислаш имконини берувчи селектив коронарография ва уйқу артериография каби юқори информатив усулларни ташхислаш босқичида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур боб маълумотларини ўрганиб, шундай хулосага келдикки, бугунги кунда, жарроҳликдаги юқори даражадаги ривожланишга қарамасдан, даволаш тактикаси ягона бўлиши зарур. Умумий оғриқсизлантиришни қўллаш амалиёт ичида беморнинг неврологик ҳолатини мос равишда аниқлаш ва назорат қилиш имконини бермайди. Бундан ташқари, ВАИШни ўрнатишга кўрсатмаларни аниқлашда фақат МСКТА маълумотлари ва амалиётдан олдинги Матас синамасини ўтказиш натижалари ҳисобга олинди. Беморларда ташхислаш ва даволашда кўп қиррали ёндошув қўлланилмади. Кардиоанестезиология ва перфузиологиянинг ривожланиши, жарроҳлик амалиётларини бажариш техникасининг такомиллашиши амалиётдан кейинги оғир неврологик асоратларни сезиларли даражада камайтиришга имконини берди. Бироқ, шунга қарамасдан неврологик асоратлар улуши ва миокард инфаркти юқориликча қолмоқда. Бу шундан далолат берадики, ҳозирги кунда, ўлим ҳолати ва асоратлар сонини камайтиришга имкон берувчи ташхислашнинг аниқ алгоритми мавжуд эмас.


Шундай қилиб, ўтказилган тож ва уйқу артериялари ревазуализациясининг босқичлилиги ва турли усуллари натижаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, муаммонинг ечими ҳар бир ҳавзада асоратлар ривожланиш хавф даражасини баҳолаш ва касалликни мос ҳолда ташхислашдан иборатдир. Уйқу ва тож томирларида реконструктив амалиётларни ўтказилишининг босқичлилигини танқидий таҳлилни ўтказилиши, узоқ муддатли натижаларни баҳолаш ушбу муаммони ҳал этиш йўллари аниқлаш ва белгилаш имконини берди, бу эса кейинги бобда ўз аксини топди.

Диссертациянинг **“Уйқу ва тож томирлари қўшма зарарланшини ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи боби 2015 йилдан 2018 йилгача Республика ихтисослаштирилган ангионеврология жарроҳлик марказида ва Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникасида даволанган уйқу ва тож артериялар қўшма зараланиши бўлган 321 (56,2%) нафар асосий гуруҳ беморларида такомиллаштирилган ташхислаш усуллари ва жарроҳлик тактикасини қўллаш таҳлиliga бағишлангандир.

